

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПАРПИЕВА ОДИНАХОН РАХМАНОВНА

**КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН
АЁЛЛАР ОВҚАТЛАНИШИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Парпиева Одинахон Рахмановна

Кўкрак бези саратони билан касалланган аёллар
овқатланишини коррекциялашни илмий асослаш..... 3

Парпиева Одинахон Рахмановна

Научное обоснование диетической коррекции
у женщин с раком молочной железы..... 21

Parpieva Odinakhon Rakhmanovna

Scientific rationale for dietary correction
in women with breast cancer..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ПАРПИЕВА ОДИНАХОН РАХМАНОВНА

**КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН
АЁЛЛАР ОВҚАТЛАНИШИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2709 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Норматова Шахноза Анваровна

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Эрматов Низом Жумақулович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кайнарбаева Майгуль Сейдуллаевна

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

(Қозоғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университети, 10-ўқув биноси, 1-қават Тел./Факс: (+99878) 150-78-25; тел: (+99878) 150-78-28; e-mail: info@tashmeduni.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университети, 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да куни тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кўкрак беи саратони касаллиги аёллар орасида учрайдиган энг кўп ва энг кенг тарқалган ўсма касалликлари гуруҳига киради. Сўнгги йилларда фертил ёшдаги аёллар орасида кўкрак беи саратони сонининг ортиб бориши кузатилмоқда. Дунё бўйлаб ривожланаётган мамлакатларда кўкрак беи саратони даражаси номутаносиб равишда юқори бўлиб, 20 йил ичида янги ташхис қўйилган ҳолатлар 55% га, ўлим даражаси 58% га ошган. Бугунги кунда кўкрак беи саратони билан курашишда тиббиётимиз сезиларли даражада ютуқларга эришди. Шунга қарамай, аёллар орасида кўкрак беи саратони билан касалланиш даражаси ортиб бормоқда. Ҳар йили дунёда деярли 700 минг янги кўкрак беи саратони ҳолатлари, МДХ мамлакатларида эса, 50 мингдан зиёд янги кўкрак беи саратони ҳолатлари қайд этилади. Дунё бўйича ҳар йили 665 минг нафар аёл кўкрак беи саратонидан вафот этади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) баҳолашига кўра, «...2040 йилга келиб, кўкрак беи саратони билан касалланиш 40 фоизга ошади ва бир йилда 3 миллион ташхисни ташкил этади. Ўлим ҳолати 50 фоизга ошади...»¹. Бунинг оқибатида, касалликнинг иқтисодий ва ижтимоий асоратлари ҳам кўпаяди. Шу боис касаллик билан курашишда бемор аёллар овқатланишини коррекциялаш, рационал овқатланиш тартибини ишлаб чиқиш самарали даволашни йўлга қўйилишида муҳим масалаларидан биридир.

Жаҳонда кўкрак беи саратони билан касалланган бемор аёлларнинг овқатланишини коррекциялаш кимётерапия ва нур терапиясининг токсик таъсирини камайтириш, ичак микрофлорасини тиклаш, иммунитет фаолиятини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада кўкрак беи саратони касаллигига чалинган беморларни озиклантиришни қўллаб-қувватлашни етарлича ўрганиш, касалликни олдини олиш ва даволашда аёллар организми учун фойдали бўлган антиоксидант озик-овқат маҳсулотларининг самарадорлигини ўрганиш, кўкрак беи саратонига чалинган аёллар овқат рационини коррекциялаш ва янги даволовчи озик-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳоли орасида сурункали касалликларни камайтириш ва алиментар профилактикасини махсус озик-овқат маҳсулотларини қўллаш орқали шакллантиришнинг юқори самарадорлигига эришиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ « бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат

¹ WHO Global Cancer Observatory. Breast Cancer Fact Sheet, 2024

кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кўкрак беи саратони билан касалланишни камайитириш ҳамда олдини олиш мақсадида кўкрак беи саратони билан касалланган аёллар овқатланишини коррекциялаш орқали сифатли, фойдали ва антиоксидант маҳсулотлар истеъмоли ёрдамида беморларни тўлиқ соғайиб кетишига замин яратиш ҳамда кўкрак беи саратонининг алиментар профилактикасини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018-йил 18-декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020-йил 10-ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, сурункали касалликларни олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳар қандай давлат соғлиқни сақлаш тизимининг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади (Г.В.Тимошева, 2016; Ю.В.Данилова, 2017; Н.В.Зайцева, 2018; Г.О.Тошматова, 2018; А.А.Худайберганов, 2021). Кўкрак беи саратонидан омон қолганларда 41 та Когорт тадқиқот усулида қилинган мета-таҳлил шуни кўрсатдики, юқори сифатли диетага хос бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини кўп истеъмол қилиш (мевалар, сабзавотлар, тўлиқ донлар, ёнғоқлар ва дуккаклилар каби) ва қизил гўштни кам истеъмол қилиш, шунингдек, юқори сифатли парҳезга риоя қилиш ўлим даражасини пасайтирган (M.Mantzorou, 2017; A.Laviano, L.Di Lazzaro, 2018; B.Sasanfar, F.Toorang, Z.Booyani, F.Vassalami, E.Mohebbi, L.Azadbakht, K.Zendehdel, 2018). Ўрта ер денгизи dietаси бутун дунё бўйлаб энг соғлом парҳезлардан бири ҳисобланади, чунки у антиоксидантларга ва яллиғланишга қарши озуқавий моддаларга бой бўлган парҳез таркибий

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

қисмларининг комбинацияси ҳисобланади (F.Turati, G.Carioli, F.Bravi, M.Ferraroni, D.Serraino, M.Montella, 2018; Burcu Deniz Güneş, Nilüfer Acar Tek, 2021; M.Mantzorou, M.Tolia, A.Poultsidi, G.K.Vasios, D.Papandreou, S.Theocharis, N.Kavantzias, A.Y.Troumbis, C.Giaginis, 2022). Илмий адабиётларнинг аксарияти Ўрта ер денгизи диетасини касалликнинг турли босқичларида кўкрак беи саратонига чалинган беморлар учун омон қолиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш учун тўғри ва фойдали овқатланиш усули сифатида кўрсатади. Ушбу фойдали таъсирлар, шунингдек, диетанинг озуқавий бирикмаларга бойлиги ва уларнинг оксидловчи стресс, яллиғланиш ва саратон билан боғлиқ жараёнларга қарши синергик фаоллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ, Ўрта ер денгизи моделига асосланган озиқланиш аралашувининг ортиқча вазн ёки семизлик билан оғриган кўкрак беи саратонига чалинган беморларда вазн йўқотишга таъсирини аниқлаш учун кенгайтирилган кузатув билан янада яхши ишлаб чиқилган тадқиқотлар талаб қилинади.

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида овқатланиш ва унга боғлиқ касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган даволовчи рационларнинг ўрнини асослаш ва гигиеник жиҳатларини баҳолаш борасида қатор изланувчилар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Г.И.Шайхова, 2020; 2024; Н.Ж.Эрматов, 2019; 2024; 2025; А.С.Худойберганов, 2024; М.А.Хамрақулова, 2025; Д.Ш.Алимухамедов, 2024;), бироқ, Ўзбекистонда кўкрак беи саратонини озиқ-овқат маҳсулотлари билан биргаликда комплекс даволаш ҳамда кўкрак беи саратонининг алиментар профилактикасига тизимли ёндашилмаган.

Мамлакатимизда кўкрак беи саратонининг вужудга келишида овқатланишнинг ўзига хослигини тавсифловчи, шунингдек, касалликнинг ўзини ҳамда унинг ёмон сифатли трансформациясини аёлларнинг овқатланишини коррекция қилиш асосида даволаш ва профилактика қилишни тавсифловчи тадқиқотлар етарли эмас. Ушбу вазифанинг аниқ ва амалий аҳамиятига қарамасдан, бу йўналишдаги ишларнинг етишмаслиги ушбу тадқиқотнинг зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №06.2026.PhD266 «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳолиси саломатлигига таъсир қилувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташхислаш ва янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўкрак беи саратони билан касалланган аёллар овқатланишини коррекциялаш орқали зарарли маҳсулотлар истеъмолини камайтириб, сифатли, фойдали ва антиоксидант маҳсулотлар истеъмоли ёрдамида беморларни тўлиқ соғайиб кетишига замин яратиш ҳамда кўкрак беи саратонининг алиментар профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона вилоятида истиқомат қилувчи аёлларнинг кўкрак беи саратони бўйича мурожаатлари ва касалланиш кўрсаткичларини баҳолаш;

кўкрак беи саратонининг ривожланишида тиббий-биологик ва ижтимоий-гигиеник хавф омилларининг ўрнини баҳолаш;

кўкрак беи саратонининг ривожланишида, касалликни даволаш ва реабилитация жараёнларида алиментар компонентнинг ўрнини баҳолаш;

кўкрак беи саратони билан касалланган аёлларнинг ҳақиқий овқатланишини баҳолаш ҳамда касалликнинг олдини олишда ва даволашда овқатланишни коррекциялашнинг самарадорлигини аниқлаш;

кўкрак беи саратони билан касалланган бемор аёлларнинг овқатланишини коррекциялаш орқали кўкрак беи саратонининг профилактикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2024 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиалига мурожат қилган кўкрак беи саратони билан хасталанган 140 нафар 20 ёшдан 80 ёшгача бўлган бемор аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўкрак беи саратони билан касалланиш даражаси, беморларнинг турмуш тарзи, бемор аёлларнинг овқатланиш рациони, ижтимоий-гигиеник хавф омиллари, озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби, озиқавий ва биологик қиймати олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун тадқиқот ишида гигиеник, ижтимоий-гигиеник, аналитик, тиббий-биологик, клиник-лаборатор, ретроспектив, статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона вилоятидаги аёллар орасида кўкрак беи саратони билан касалланиш кўрсаткичлари ва мурожаатлар тузилмаси ҳамда касалланиш даражаси ва ёш гуруҳлари, саломатлик ҳолати ва турмуш тарзи каби хавф омиллари ўртасида аҳамиятли боғлиқлик аниқланган;

клиник-эпидемиологик тадқиқот натижалари асосида кўкрак беи саратони ривожланишига таъсир этувчи асосий хавф омилларининг (кеч фарзандли бўлиш, кўкрак билан озиқлантириш давомийлиги, сунъий аборт, сурункали стресс, турмуш тарзи ва нотўғри овқатланиш) мустақил ва кумулятив таъсири исботланган;

кўкрак беи саратонининг ривожланишида, даволаш ва реабилитация жараёнларида алиментар компонентнинг патогенетик аҳамияти асосланиб, баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини мақсадли истеъмол қилиш кимётерапиянинг ножўя таъсирларини камайтириши, реабилитация даврида тўқималар тикланишини жадаллаштириши, организм реактивлиги ва иммунитетни мустаҳкамлаши исботланган;

бемор аёлларнинг фактик овқатланишини мавсумий (қиш-баҳор ва ёз-куз) баҳолаш асосида, кўкрак беи саратони ривожланишига таъсир қилувчи

асосий озуқа моддаларининг номутаносиблигини бартараф этиш учун антиоксидантларга бой парҳез овқатланиш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўкрак беи саратони билан касалланиш даражаси динамикада ёш, жинс бўйича мурожаатлар ҳамда тиббий кўрик маълумотларига асосан баҳоланган;

кўкрак беи саратони билан касалланган бемор аёлларнинг турмуш тарзи ва шароитини ўрганиш асосида касалликка олиб келувчи тиббий-биологик ва ижтимоий-гигиеник хавф омиллари аниқланиб, улар асосида касалликни эрта аниқлаш, олдини олиш бўйича ҳамда бемор аёлларнинг саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш борасида нутирентив омилларини яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

кўкрак беи саратони билан касалланган бемор аёлларнинг кунлик овқатланиш рационининг сон ва сифат жиҳатдан таркиби баҳоланган ҳамда кўкрак беи саратони билан касалланган бемор аёллар учун фойдали ва антиоксидант озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитилган етти кунлик парҳез овқатланиш тартиби ишлаб чиқилган ҳамда умр кўришини яхшилашда унинг ўрни асосланган;

кўкрак беи саратони билан касалланган аёллар ўртасида сўровномалар ўтказиш орқали уларнинг саломатлик ҳолатларини баҳолаш ҳамда уларнинг овқатланишлари бўйича маслаҳат ва тавсиялар берувчи Телеграмм бот яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқотга жалб этилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий бир-бирини тўлдирувчи гигиеник, ижтимоий-гигиеник, аналитик, тиббий-биологик, клиник-лаборатор, ретроспектив, статистик тадқиқот усуллари билан тасдиқланганлиги ҳамда бирламчи материаллар ҳажми ва сонининг етарли даражада бўлиши, таҳлилий ва прогностик кўрсаткичларнинг такомиллашганлиги, статистик таҳлил усуллари асосли танланганлиги, тўғри қўлланилганлиги, тадқиқот материалларини республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилинганлиги, ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий тараққиёт шароитида кўкрак беи саратони билан оғриган бемор аёлларнинг кунлик овқатланиш рационининг сон ва сифат жиҳатидан тавсифи, кунлик рационнинг озиқавий ва биологик қиймати, етарли ва рационал озиқланмаслик натижасида бемор аёллар ҳолатининг ўзгариши, касалликнинг ривожланиши ва қайталанишига таъсири, янги мева ва сабзавотлар, тавсия этилган озиқ-овқат маҳсулотлари даволашнинг ножўя таъсирларини камайтирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўкрак беи саратонини озиқ-овқат маҳсулотлари билан биргаликда комплекс даволаш бўйича

услугий тавсиянома ишлаб чиқилганлиги, бемор аёлларнинг ҳаёт сифатини оптималлаштириш, умр кўришини яхшилашдаги овқатланишнинг ўрни асослаб берилганлиги, кўкрак бези саратонида соғлом ва фойдали овқатланишни ташкил этиш бўйича пархез овқатланиш тартиби ишлаб чиқилганлиги, тавсия этилган пархез овқатланиш тартибини қўлланилиши даволашнинг токсиклигини камайтирганлиги, стационар ва поликлиника шароитида даволаниш давомийлигини қисқартирганлиги, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг, ногиронликнинг ва бемор аёллар ўртасидаги ўлимнинг камайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Кўкрак бези саратони билан касалланган аёллар овқатланишини коррекциялашни илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: Фарғона вилоятидаги аёллар орасида кўкрак бези саратони билан касалланиш кўрсаткичлари ва мурожаатлар тузилмаси ҳамда касалланиш даражаси ва ёш гуруҳлари, саломатлик ҳолати ва турмуш тарзи каби хавф омиллари ўртасида аҳамиятли боғлиқлик аниқланганлиги бўйича таклифлар Central Asian Medical University халқаро тиббиёт университети Эксперт кенгаши томонидан 12.03.2025 йил 01/u-t-08-сон билан тасдиқланган “Кўкрак бези саратони билан касалланган аёллар овқатланишини коррекциялар” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 20.07.2025 йилдаги 128-сон, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиалининг 24.11.2025 йилдаги 22-сон, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қўқон филиалининг 15.12.2025 йилдаги 82-сон ҳамда Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 16.12.2025 йилдаги 6584-11-169-TV/2025-сон буйруқлари билан амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 16-февралдаги 03/60-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган пархез овқатланиш тартибини қўлланилиши даволашнинг токсиклигини камайтириши ва тикланиш жараёнларининг яхшиланиши орқали кўкрак бези саратони билан оғриган беморларнинг умр кўриш давомийлигини ошириш, тезлаштирилган реабилитация, асоратларни камайтириш ва функционал фаолликни тиклаш орқали ногиронлик даражасини пасайтириши, беморларнинг соғлом овқатланиш тамойиллари ва қайталанишнинг олдини олиш бўйича хабардорлиги ва билимларини ошириш натижасида беморларда ўз соғлиғига масъулиятли муносабатни ривожлантиришга ёрдам бериши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* 1 нафар бемор учун касалхонада ётиш ва даволаниш харажатлари ўртача 30 млн. сўмни ташкил этса, беморлар учун ишлаб чиқилган пархез овқатланиш тартиби қўлланилганда 19,5 млн. сўмни ташкил этди. 1 нафар бемор учун иқтисодий самарадорлик 10,5 млн. сўмни ташкил этди. 70 нафар бемор учун касалхонада ётиш кунлари қисқаришидан 735 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилади. 1 нафар бемор учун

асоратлар камайишидан 1,2 млн. сўм, 50 нафар бемор учун 60 млн. сўм (50 нафар беморда асоратлар кузатилмади) иқтисодий фойда кўрилади. Қайталанишнинг камайишидан 1 нафар бемор учун 45 млн. сўм маблағ тежалса, 4 нафар бемор учун 180 млн. сўм маблағ тежалади. 1 нафар беморнинг иқтисодий ҳаётий йўқотиши: 150-250 млн. сўм, ўртача – 200 млн. сўм. Ўлим даражасининг камайишидан (назорат гуруҳида 16 та ўлим, тадқиқот гуруҳида 2 та ўлим кузатилди) 2,8 млрд. сўм. Умумий ҳисобда бир йилда 3,8 млрд. сўм иқтисодий самарадорликка эришилади;

иккинчи илмий янгилик: клиник-эпидемиологик тадқиқот натижалари асосида кўкрак беи саратони ривожланишига таъсир этувчи асосий хавф омилларининг (кеч фарзандли бўлиш, кўкрак билан озиқлантириш давомийлиги, сунъий аборт, сурункали стресс, турмуш тарзи ва нотўғри овқатланиш) мустақил ва кумулятив таъсири исботланганлиги бўйича таклифлар Central Asian Medical University халқаро тиббиёт университети Эксперт кенгаши томонидан 12.03.2025 йил 01/u-t-08-сон билан тасдиқланган “Кўкрак беи саратони билан касалланган аёллар овқатланишини коррекциялар” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилиган. Мазкур таклиф Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 20.07.2025 йилдаги 128-сон, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиалининг 24.11.2025 йилдаги 22-сон, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қўқон филиалининг 15.12.2025 йилдаги 82-сон ҳамда Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 16.12.2025 йилдаги 6584-11-169-ТВ/2025-сон буйруқлари билан амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 16-февралдаги 03/60-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган пархез овқатланиш тартибини қўлланилиши даволашнинг токсиклигини камайитириши ва тикланиш жараёнларининг яхшиланиши орқали кўкрак беи саратони билан оғриган беморларнинг умр кўриш давомийлигини ошириш, тезлаштирилган реабилитация, асоратларни камайитириш ва функционал фаолликни тиклаш орқали ногиронлик даражасини пасайтириш, беморларнинг соғлом овқатланиш тамойиллари ва қайталанишнинг олдини олиш бўйича хабардорлиги ва билимларини ошириш натижасида беморларда ўз соғлиғига масъулиятли муносабатни ривожлантиришга ёрдам бериши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* 1 нафар бемор учун касалхонада ётиш ва даволаниш харажатлари ўртача 30 млн. сўмни ташкил этса, беморлар учун ишлаб чиқилган пархез овқатланиш тартиби қўлланилганда 19,5 млн. сўмни ташкил этди. 1 нафар бемор учун иқтисодий самарадорлик 10,5 млн. сўмни ташкил этди. 70 нафар бемор учун касалхонада ётиш кунлари қисқаришидан 735 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилади. 1 нафар бемор учун асоратлар камайишидан 1,2 млн. сўм, 50 нафар бемор учун 60 млн. сўм (50 нафар беморда асоратлар кузатилмади) иқтисодий фойда кўрилади. Қайталанишнинг камайишидан 1 нафар бемор учун 45 млн. сўм маблағ

тежалса, 4 нафар бемор учун 180 млн. сўм маблағ тежалади. 1 нафар беморнинг иқтисодий ҳаётий йўқотиши: 150-250 млн. сўм, ўртача – 200 млн. сўм. Ўлим даражасининг камайишидан (назорат гуруҳида 16 та ўлим, тадқиқот гуруҳида 2 та ўлим кузатилди) 2,8 млрд. сўм. Умумий ҳисобда бир йилда 3,8 млрд. сўм иқтисодий самарадорликка эришилади;

учинчи илмий янгилик: кўкрак беи саратонининг ривожланишида, даволаш ва реабилитация жараёнларида алиментар компонентнинг патогенетик аҳамияти асосланиб, баъзи озик-овқат маҳсулотларини мақсадли истеъмол қилиш кимётерапиянинг ножўя таъсирларини камайитириши, реабилитация даврида тўқималар тикланишини жадаллаштириши, организм реактивлиги ва иммунитетни мустаҳкамлаши исботланганлиги бўйича таклифлар Central Asian Medical University халқаро тиббиёт университети Эксперт кенгаши томонидан 12.03.2025 йил 01/u-t-08-сон билан тасдиқланган “Кўкрак беи саратони билан касалланган аёллар овқатланишини коррекциялар” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилиган. Мазкур таклиф Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 20.07.2025 йилдаги 128-сон, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиалининг 24.11.2025 йилдаги 22-сон, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қўқон филиалининг 15.12.2025 йилдаги 82-сон ҳамда Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 16.12.2025 йилдаги 6584-11-169-ТВ/2025-сон буйруқлари билан амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 16-февралдаги 03/60-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган пархез овқатланиш тартибини қўлланилиши даволашнинг токсиклигини камайитириши ва тикланиш жараёнларининг яхшиланиши орқали кўкрак беи саратони билан оғриган беморларнинг умр кўриш давомийлигини ошириш, тезлаштирилган реабилитация, асоратларни камайитириш ва функционал фаолликни тиклаш орқали ногиронлик даражасини пасайтириш, беморларнинг соғлом овқатланиш тамойиллари ва қайталанишнинг олдини олиш бўйича хабардорлиги ва билимларини ошириш натижасида беморларда ўз соғлиғига масъулиятли муносабатни ривожлантиришга ёрдам бериши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* 1 нафар бемор учун касалхонада ётиш ва даволаниш харажатлари ўртача 30 млн. сўмни ташкил этса, беморлар учун ишлаб чиқилган пархез овқатланиш тартиби қўлланилганда 19,5 млн. сўмни ташкил этди. 1 нафар бемор учун иқтисодий самарадорлик 10,5 млн. сўмни ташкил этди. 70 нафар бемор учун касалхонада ётиш кунлари қисқаришидан 735 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилади. 1 нафар бемор учун асоратлар камайишидан 1,2 млн. сўм, 50 нафар бемор учун 60 млн. сўм (50 нафар беморда асоратлар кузатилмади) иқтисодий фойда кўрилади. Қайталанишнинг камайишидан 1 нафар бемор учун 45 млн. сўм маблағ тежалса, 4 нафар бемор учун 180 млн. сўм маблағ тежалади. 1 нафар беморнинг иқтисодий ҳаётий йўқотиши: 150-250 млн. сўм, ўртача – 200 млн.

сўм. Ўлим даражасининг камайишидан (назорат гуруҳида 16 та ўлим, тадқиқот гуруҳида 2 та ўлим кузатилди) 2,8 млрд. сўм. Умумий ҳисобда бир йилда 3,8 млрд. сўм иқтисодий самарадорликка эришилади;

тўртинчи илмий янгилик: бемор аёлларнинг фактик овқатланишини мавсумий (қиш-баҳор ва ёз-куз) баҳолаш асосида, кўкрак беzi саратони ривожланишига таъсир қилувчи асосий озуқа моддаларининг номуносивблигини бартараф этиш учун антиоксидантларга бой парҳез овқатланиш тартиби ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Central Asian Medical University халқаро тиббиёт университети Эксперт кенгаши томонидан 12.03.2025 йил 01/u-t-08-сон билан тасдиқланган “Кўкрак беzi саратони билан касалланган аёллар овқатланишини коррекциялар” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилиган. Мазкур таклиф Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 20.07.2025 йилдаги 128-сон, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиалининг 24.11.2025 йилдаги 22-сон, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қўқон филиалининг 15.12.2025 йилдаги 82-сон ҳамда Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 16.12.2025 йилдаги 6584-11-169-TV/2025-сон буйруқлари билан амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 16-февралдаги 03/60-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган парҳез овқатланиш тартибини қўлланилиши даволашнинг токсиклигини камайитириши ва тикланиш жараёнларининг яхшиланиши орқали кўкрак беzi саратони билан оғриган беморларнинг умр кўриш давомийлигини ошириш, тезлаштирилган реабилитация, асоратларни камайитириш ва функционал фаолликни тиклаш орқали ногиронлик даражасини пасайитириш, беморларнинг соғлом овқатланиш тамойиллари ва қайталанишнинг олдини олиш бўйича хабардорлиги ва билимларини ошириш натижасида беморларда ўз соғлиғига масъулиятли муносабатни ривожлантиришга ёрдам бериши билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* 1 нафар бемор учун касалхонада ётиш ва даволаниш харажатлари ўртача 30 млн. сўмни ташкил этса, беморлар учун ишлаб чиқилган парҳез овқатланиш тартиби қўлланилганда 19,5 млн. сўмни ташкил этди. 1 нафар бемор учун иқтисодий самарадорлик 10,5 млн. сўмни ташкил этди. 70 нафар бемор учун касалхонада ётиш кунлари қисқаришидан 735 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилади. 1 нафар бемор учун асоратлар камайишидан 1,2 млн. сўм, 50 нафар бемор учун 60 млн. сўм (50 нафар беморда асоратлар кузатилмади) иқтисодий фойда кўрилади. Қайталанишнинг камайишидан 1 нафар бемор учун 45 млн. сўм маблағ тежалса, 4 нафар бемор учун 180 млн. сўм маблағ тежалади. 1 нафар беморнинг иқтисодий ҳаётий йўқотиши: 150-250 млн. сўм, ўртача – 200 млн. сўм. Ўлим даражасининг камайишидан (назорат гуруҳида 16 та ўлим, тадқиқот гуруҳида 2 та ўлим кузатилди) 2,8 млрд. сўм. Умумий ҳисобда бир йилда 3,8 млрд. сўм иқтисодий самарадорликка эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, ушбу илмий-тадқиқот ишига бўлган талаб асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кўкрак беи саратонининг овқатланиш билан боғлиқлиги муаммосининг долзарблиги”** деб номланган биринчи бобида кўкрак беи саратонининг келиб чиқиш сабаблари, касаллик босқичлари ва хавф омиллари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Кўкрак беи саратонининг овқатланиш ва парҳез билан боғлиқлигига доир адабиётлар шарҳи, мавзунини асослашда хорижий ва маҳаллий илмий манбаларнинг таҳлили баён этилган.

Диссертациянинг **“Кўкрак беи саратонини билан касалланган аёллар овқатланишининг коррекциялашни илмий асослаш бўйича материаллар ва усуллар”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объектлари, текширилаётган бемор аёлларда қўлланилаётган тадқиқот усуллари, кўкрак беи саратонини беморларни диагностик текшириш усуллари, текширилаётган беморларнинг маълумотларини ретроспектив таҳлили ёритиб берилган. Бизнинг тадқиқотимизга 2020-2024 йиллар мобайнида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалига мурожаат қилган кўкрак беи саратонини билан хасталанган 140 нафар 20 ёшдан 80 ёшгача бўлган бемор аёллар жалб этилди, ўртача ёш 54 ± 11 йилни ташкил этди. Асосий (тажриба) гуруҳидаги бемор аёллар ($n=70$): кимётерапия, нур терапияси ва реабилитация даврида махсус ишлаб чиқилган рационал овқатланиш дастурига мувофиқ овқатланишди. Назорат гуруҳи ($n = 70$): одатдагидек

овқатланишди. Бемор аёлларнинг 2 нафарида касаллик – I-босқичда (1,4%), 95 нафарида – II-босқичда (67,9%), 29 нафарида – III-босқичда (20,7%), 14 нафарида – IV -босқичда (10%). Даволаниш хусусиятлари бўйича, 103 нафар бемор аёлларда радикал мастектомия, 19 нафар бемор аёлларда секторал резекция жарроҳлик амалиётлари ўтказилган. 23 нафар бемор аёллар жарроҳлик амалиётидан бош тортишган, 2 нафар бемор аёлларда тиббий сабабларга кўра, ёндош касалликлари борлиги сабабли жарроҳлик амалиёти ўтказиб бўлмайдиган ҳолатлар кузатилган.

Тадқиқот иши илмий-тадқиқот ишимизга жалб қилинган барча беморларнинг ёзма розилиги асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Фарғона вилояти аҳолиси ўртасида кўкрак бези саратони билан касалланишнинг статистик таҳлили”** деб номланган учинчи бобида 2020-2024 йиллар давомида Фарғона вилояти ва унинг ҳудудлари кесимида Халқаро касалликлар таснифининг ўнинчи таҳрири (МКБ-10) га, “Хавфли ўсма касалликлари тўғрисида маълумот” 2-3-7-шаклларга ҳамда РИО ва РИАТМ Фарғона вилоят филиалининг йиллик ҳисоботларига мувофиқ, кўкрак бези саратони таъхиси қўйилган беморларнинг касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикаси ўрганилди. Ретроспектив таҳлилда мутлақ, нисбий ва ўртача қийматлар ҳисоблаб чиқилди. Олинган барча натижалар В.М.Мерабишвили томонидан таклиф қилинган онкологик статистиканинг ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда Excel ва Statistica 7.0 тизимларида стандарт дастурлар ёрдамида персонал компьютерда қайта ишланди.

РИО ва РИАТМ Фарғона вилоят филиалида рўйхатга олинган барча кўкрак бези саратони билан касалланганларнинг энг катта нисбий улуши 50-59 ёшга (30,4%) тўғри келди. Тартиб бўйича кейинги ўринни 40-49 ёш (25,2%), 60-69 ёш (22,5%), 30-39 ёш (11,3%), 70-79 ёш (6,7%) эгаллаган бўлса, энг паст нисбий улуш 0-17 ёшда (0,2%), 80 ва ундан катта ёшда (1,5%), 20-29 ёшда (2,3%) аниқланган. Фарғона вилоятида 2020 йилда биринчи марта аниқланган жами онкологик касалликлар – 2426 та, шундан 356 нафар (14,7%) беморда кўкрак бези саратони аниқланган. 2021 йилда 2616 та ҳолатдан – 414 нафарида (15,8%), 2022 йилда 2694 та ҳолатдан – 454 нафарида (16,8%), 2023 йилда 2723 та ҳолатдан – 501 нафарида (18,4%), 2024 йилда 2843 та ҳолатдан – 530 нафарида (18,6%) кўкрак бези саратони аниқланган. Вилоятда кўкрак бези саратонининг янги ҳолатларини босқичлар бўйича тақсимлаш таҳлили шуни кўрсатдики, I-II-босқичда аниқланган беморларнинг улуши 2020 йилда 12,2 % ни, 2021-йилда 13,3 % ни, 2022-йилда 15,7 % ни, 2023-йилда 16,7 % ни, 2024-йилда 17,3 % ни ташкил этди. Касалликнинг III-IV босқичларида аниқланган беморларнинг улуши 2020 йилда - 3,5%, 2021 йилда – 5,1%, 2022 йилда – 4,5%, 2023-йилда – 5,6% ва 2024-йилда – 6,2% ни ташкил этди. Ўлим кўрсаткичларининг умумлаштирилган маълумотлари шуни кўрсатдики, 2024 йилда Фарғона вилоятида кўкрак бези саратонидан 172 кишида (202 йилда – 178 кишида, 2022 йилда – 141 кишида, 2021 йилда – 140 кишида, 2020 йилда – 140

кишида) ўлим ҳолати қайд этилган бўлиб, бу саратон касаллигидан вафот этганлар умумий сонининг 13,6 фоизини (2020 йил – 11,8%, 2021 йил – 12,2%, 2022 йил – 12,4%, 2023 йил – 15,4%) ташкил этган.

Диссертациянинг “**Кўкрак беи саратони билан касалланган аёллар овқат рационига гигиеник баҳо бериш**” деб номланган тўртинчи бобида кўкрак беи саратони билан касалланган аёлларнинг овқатланиш тартиби, кўкрак беи саратонининг келиб чиқишида тиббий-биологик ва ижтимоий-гигиеник хавф омилларининг ўрни, кўкрак беи саратони билан касалланган аёллар овқатининг биологик ва озуқавий қиймати, кўкрак беи саратони билан касалланган аёллар истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг саломатликларига таъсири ўрганилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ҳайз циклининг кеч (15-17 ёшда) бошланиши, кеч она бўлиш, ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш, кўкрак билан озиқлантирмаслик ёки қисқа муддат (3-6 ойгача) озиқлантириш, ёндош касалликларнинг мавжудлиги, жинсий ҳаётнинг меъёрда кечмаслиги, тана вазни индекси (ТВИ) нинг меъёрдан катталиги, ирсий мойиллик ва кўкракдаги травмалар кўкрак беи саратонига сабаб бўлиши аниқланди.

Ўтказилган сўровномада бемор аёлларнинг овқатланиш рационини таҳлил қилинди ва уларнинг овқат рационига гигиеник баҳо берилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Кўкрак беи саратони билан касалланган бемор аёллар овқатланиш рационининг гигиеник таҳлили

Т/р	Маҳсулот тури	Қиш-баҳор		Ёз-куз	
		Кунлик истеъмол (ўртача)	Тавсия этилган миқдор	Кунлик истеъмол (ўртача)	Тавсия этилган миқдор
1	Нон ва дон маҳсулотлари,	250 г	300-400 г	350 г	300-400 г
2	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, г	75 г	150-180 г	80 г	120-150 г
3	Сут ва сут маҳсулотлари, мл	300 мл	400-500 мл	200 мл	400-500 мл
4	Сабзавотлар, г	200 г	350-450 г	220 г	450-600 г
5	Мевалар, г	120 г	150-250 г	150 г	250-350 г
6	Тухум, дона	0.5 дона	1 дона	0.7 дона	1 дона
7	Суюқлик, мл	1500 мл	2000-2500 мл	2500 мл	4000-5000 мл
8	Ҳайвон ёғи, г	55 г	30 г	45 г	20-25 г
9	Ўсимлик ёғи, г	25 г	30-35 г	20 г	25-30 г
10	Шакар ва қандолат маҳсулотлари, г	80 г	50-70 г	75 г	40-60 г

Муҳим хавф омиллари саралаб олинаётганда, биз фақатгина нисбий хавфнинг ортиб кетган катталикларини ҳисобга олдик. Сўровномада қатнашган бемор аёлларнинг рационига сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва

гўшт маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар истеъмолининг етишмаслиги аниқланди. Балиқ ва денгиз маҳсулотлари аёлларнинг кунлик рационида жуда кам миқдорда.

2-жадвал

Бемор аёлларнинг истеъмол қилган кунлик рационининг озуқавий қиймати

Т/р	Кўрсаткичлар	Қиш-баҳор М ± m	Р	Физиологи к меъёр	Ёз-куз М ± m	Р
1	Окси, г	60 ± 2.5	< 0.01	50-75	55 ± 2.5	< 0.01
2	Ёғ, г	100 ± 10	< 0.01	70-100	80 ± 10	< 0.01
3	Углевод, г	280 ± 5	< 0.01	250-350	270 ± 5	< 0.01
4	Клетчатка, г	18 ± 0.5	< 0.05	25-30	17 ± 0.5	< 0.05
5	Суюқлик, мл	1500 ± 500	< 0.01	2500-3000	2500 ± 500	< 0.01
6	А витамин, мг	500 ± 65	< 0.01	700-900	630 ± 65	< 0.01
7	С витамин, мг	55 ± 5	< 0.01	65-90	65 ± 5	< 0.01
8	Е витамин, мг	8.1 ± 0.1	< 0.05	8-10	8.1 ± 0.1	< 0.05
9	Темир, мг	10 ± 4	< 0.01	8-18	18 ± 4	< 0.01
10	Кальций, мг	750 ± 25	< 0.01	1000-1200	800 ± 25	< 0.01
11	Натрий (туз), г	4.8 ± 0.25	< 0.05	≤5	5.3 ± 0.25	< 0.05
12	Қабул қилинган таомланиш сони	3 ± 0.5	< 0.05	4-5	4 ± 0.5	< 0.05

Бу маълумотлар бемор аёлларда сезиларли даражада овқатланиш номуносивилиги ва антиоксидант компонентларнинг етишмаслигини кўрсатди. Юқорида аниқланган камчиликлар беморларнинг овқат рационини коррекция қилишни ва биологик қиймати юқори бўлган маҳсулотлар билан рационни бойитиш зарурлигини асослайди.

